



PROBLEMS OF METAPHOR TRANSLATION

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10079522>

J. J. Egamberdiev

ADChTI department head,

PhD.

ABSTRACT

The article analyzes the role of metaphors in the text, the problems of their translation, quantitative metaphors and metaphors that mean connection.

Key words

transfer of meaning, metaphorical translation, description, understanding, connection, basic meaning.

МЕТАФОРЛАРНИ ТАРЖИМА ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

Ж.Ж.Эгамбердиев

АДЧТИ кафедра мудири,

PhD.

АННОТАЦИЯ

Мақолада метафораларнинг матндаги роли, уларни таржима қилиш муаммолари, миқдор метафоралар ва боғлиқликни англатувчи метафоралар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар

маъно кўчиши, метафорик таржима, тасвирлаш, тушуниш, боғлиқлик, асосий маъно.

Метафорани шеърият ёки адабиётнинг бир бўлаги деб ҳисоблаймиз, лекин аслида жуда кўп оддий ҳамда биз учун таниш бўлган сўз ва ибораларнинг метафорик маъноларини ишлатамиз, аммо кўпинча уларнинг метафора эканлигини сезмаймиз. Масалан:

1. She flew past me on her bicycle - У қиз велосипедда ёнимдан учиб ўтди.
2. Turing was the father of the modern computer - Туринг замонавий компьютернинг отаси эди.
3. He gave me a cold look - У менга совуқ қаради.



Юқоридаги гапларнинг барчасида ажратилган сўзлар ўз маъносида ёки бадийий маънода ишлатилмаган, балки улар метафорик усулда қўлланган. Биз сўз ёки иборани метафорик маънода ишлатганимизда сўзнинг бадийий маъносидан келиб чиққан ва ўхшаш хусусиятга эга бўлган маъносини қўллаймиз. Масалан, агар биз “кимдир ёнимдан велосипедда ёки машинада учиб ўтиб кетди” десак, аслида у ҳавода қуш каби учаётган бўлмайди, лекин унинг ҳаракат тезлиги қушнинг тезлигини эслатади. Бу сўз маъноларининг ривожланишининг нормал ҳолати ҳисобланади. Сўзда бир нечта маъно бор бўлса, ўша маъноларнинг бирортаси одатда метафора бўлади. Яна бир қизик томони, бир хил маънодаги метафораларнинг инглиз ва ўзбек тилларида бир хил қўлланишидир.

Ҳар бир метафорик сўз ёки ибора таркибида битта “асосий маъно” бўлади. Бу нарса бадийий маъно ва метафорик маъно ўртасидаги ўхшашлик ҳисобланади. Баъзан битта асосий маъно бир нечта турли сўз ва иборалар билан ифодаланади. Масалан, инглиз тилида conversation ва discussion мавзуларида гапирилганда кўпинча бадийий маънолари “саёҳат” ва “ҳаракат” бўлган сўзлар ишлатилади:

Let's go back to what you were saying earlier - Келинг ҳалиги айтаётган гапингизга қайтайлик.

We eventually arrived at a conclusion - Ва ниҳоят биз бир хулосага келдик.

The conversation drifted aimlessly - Сухбат бемақсад кетди (давом этди).

Бу ҳолатдаги асосий маъно шундан иборатки, сухбатлашиш, гаплашиш дегани худди бир жойдан бошқа жойга боришга ўхшамокда, биз сухбатни тасвирлаш учун ишлатадиган кўп сўзлар шу фикрни беради. Демак биз шу асосий метафорик маънони тушунаётганимизда сухбат учун ишлатиладиган сўз ва ибораларни тушунишимиз ёки эслаб қолишимиз осонроқ бўлади. Мана шунинг учун метафора жуда муҳим ҳисобланади.

Метафора хаддан ташқари кўп ишлатилади. Баъзан инглиз тилида метафорик сўзларни ишлатмасдан маълум мавзуда сухбатлашишнинг имкони йўқ. Масалан, инглиз тилидаги argument (баҳслашиш) ёки disagreement (фикрга қўшилмаслик) мавзусига оид жуда кўп оддий сўзлар метафорикдир. Бу ҳолатда асосий маъно шуки, икки баҳслашаётган шахс бир-бири билан урушаётган икки мамлакатга ўхшайди. Шунинг учун баҳслашиш доирасидаги сўзларнинг кўпчилиги урушда ишлатиладиган сўзлардир.

The President defended his decision to abandon the talks.

Президент сухбатни тарк этиш учун ўз фикрини ҳимоя қилди.



She shot down all my ideas - У қиз менинг барча ғояларимни отиб ўлдирди.

Одатда биз метафорик сўзлардан фойдаланаётганимизда уларни ҳатто сезмай ҳам қоламиз, лекин асосий метафорик маъно инглиз тилида маълум тушунчани ифодалаш усулига таъсир кўрсатади ва инглиз тилида сўзлашувчиларни бу ҳақда ўйлашга мажбур қилади.

Баъзан бир мавзуда икки турдаги метафоралар гуруҳи бўлади. Уларнинг ҳар бири турлича маъноларни англатади. Масалан, relationship (боғлиқлик) метафорик жамланмаси шунини кўрсатадики, биз боғлиқликларни иккита бошқа бошқа метафорик усулда тушунамиз.

1. Жисмоний (физик) боғланиш каби:

I was very attached to him - Мен унга жуда боғланиб қолган эдим.

She has split up with his boyfriend - У йигити билан ажрашиб кетди.

2. Об-ҳаво ёки температура каби:

They greeted us warmly - Улар бизни илиқ кутиб олишди.

It was a very stormy relationship - Бу жуда бўронли қариндошчилик бўлган эди.

Асосий сўз ва мисоллардаги сўзлар ўртасидаги боғлиқлик аввалига тушунарли бўлмаслиги мумкин, лекин агар биз луғатдаги асосий сўзнинг бош маъносига қарасак ҳам бадиий ҳам метафорик маъноларини топамиз ва бу нарса бизга боғлиқликни тушунишимизга ёрдам беради.

Қуйида quantity (миқдор) сўзининг метафорик жамланмасига эътибор қаратамиз. Миқдордаги ўзгаришлар худди ҳаракатнинг кўтарилиши ёки пасайишига ўхшайди. Инсонлар ўз нутқларида юқори даражалар учун катта миқдорларни, паст даражалар учун кичик миқдорларни қўллайди. Масалан:

Temperatures are very high here in summer - Ҳарорат бу ерда ёзда жуда баланд бўлади.

Profits were up on the previous year - Аввалги йили даромад юқори бўлган эди.

The rate of inflation is very low - Инфляция даражаси жуда паст.

Одатда бирор нарсанинг катта миқдори катта миқдордаги сув ёки ёмғирга, кичик миқдордаги нарсалар эса оз миқдордаги сув ва шунга ўхшаган нарсаларга ўхшатилади.

Stones rained down on them - Уларниг устига тошлар ёғилди.

The offers were flooding in - Таклифлар оқиб келаётган эди.

It sounds like a lot of money, but it is just a drop in the ocean - Бу катта суммадаги пулга ўхшайди, лекин у уммондан бир томчи эди холос.



Хулоса қилиб айтганда, тилларда жуда кўп оддий метафоралар ишлатилади, уларнинг аксарият қисми ҳар икки тилда бир хил ҳолатда қўлланилади ва бир хил нарсани тасвирлаб келади.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҲЙХАТИ:

1. Macmillan English Dictionary, Great Britain, 2007.
2. Chambers 20th Century Dictionary, Great Britain, 1983.
3. Qodirov, X. (2023). AI IN TRANSLATION: BENEFITS, CHALLENGES, AND THE ROAD AHEAD. Лучшие интеллектуальные исследования, 6(2), 122-126.
4. Egamberdiyeva, I. A. (2019). COMPARATIVE ANALYSIS OF ZOOMORPHIC PHRASEOLOGICAL UNITS IN ENGLISH AND UZBEK. In ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В СОВРЕМЕННОЙ НАУКЕ (pp. 78-81).
5. Egamberdiyev, J. J. (2021). Phytomorphic Metaphors and Their Types. Academia Globe, 2(05), 248-250.